ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
O'K.U.F. F.T.U.U.

# Ishonch

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

2007 йил 13 март
сешанба № 33 (2290)

Пойтахтимиздаги «TALYANA» хусусий фирмаси ишлаб чиқараётган маҳсулотлар харидоргирлиги билан ажралиб туради. Замонавий технологиялар асосида тайёрланган эркаклар трикотажи, пиджак ва шимларига ички бозорда талаб катта.

— Жорий йилда маҳсулот турларини янгилаш, замонавий моделдаги эркаклар ва аёллар либосларини яратиш бўйича иш олиб бормоқдамиз, — дейди фирма раҳбари Ҳамза Хушвақтов. — Бунинг учун Япониядан келтирилган «Brother» ускуна ва жиҳозлари қўл келмоқда. Шунингдек, янги турдаги маҳсулот сифатини таъминлаш учун кадрларимизни ўргатиш мақсадида хорижлик мутахассисларни шартнома асосида ишга жалб этдик. Янги либосларимиз кўпчиликка, айниқса, ёшларга маъқул келадиган жинси газламасидан тайёрланади.

**Суратда: тикувчи Дилором Ёқубова.**

## МАҲСУЛОТ ТУРИ КЎПАЙМОҚДА




Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

1. Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилсин.

2. Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг чақирув ёшидаги фуқаролари 2007 йилнинг апрел-май ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервига олинсин.

3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши Котиби М.Атаев зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 7 март

## ҲАМЖИҲАТЛИК ВА БАҒРИКЕНГЛИК ИФОДАСИ

### Умумхалқ хайрия ҳашарида 15 миллиондан кўпроқ юртдошларимиз иштирок этди

***Наврўз умумхалқ байрамини кенг нишонлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорида республика «Маҳалла» жамғармаси, вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар ҳамда жамоатчилик вакилларининг 10 - 11 март кунлари умумхалқ хайрия ҳашарини ўтказиш юзасидан таклифлари маъқулланганди. Шунга асосан республикамизнинг барча вилоят, шаҳар, туман ҳамда маҳаллаларида хайрия ҳашари юксак кўтаринки руҳда ўтди. Унда 15 миллиондан зиёд киши иштирок этди. 34 минг гектар майдон ободонлаштирилди. 25 минг километр ариқ ва зовурлар тозаланди. 6 мингга яқин қабристон ва зиёратгоҳлар тартибга келтирилди. 25 миллион туп мевали ва манзарали гул кўчатлари экилди. Кам таъминланган оилаларга 400 миллион сўмликдан зиёд хайрия ёрдами кўрсатилди. Вилоят мухбирларимиз жойлардан шу ҳақда хабар қиладилар.***

Бухоро вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармасининг 54 та коллеж ва академик лицейларида ўтказилган Наврўз хайрия ҳашарида 12.646 нафар ўқитувчи ҳамда талабалар иштирок этди. Уюшқоқлик ва ҳамжиҳатлик билан ташкил этилган меҳнат байрамида 8 минг тупдан ортиқ мевали ҳамда манзарали, 3653 туп гул кўчатлари ўтказилди. 45 километр масофадаги ариқ-зовурлар тозаланди. 57 гектар майдон ободонлаштирилди ва 250 тоннадан ортиқ маиший ҳамда қурилиш чиқиндилари чиқариб ташланди. Ўқув даргоҳлари, кўча ва хиёбонлардаги 22,8 минг туп дарахтларга шакл берилди ҳамда оқланди.

Бизга хабар беришларича, хайрия ҳашарида вилоят бўйича 1 миллион 236,3 минг киши ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари билан машғул бўлди. Сув йўлларининг 1522,8 километри тартибга келтирилди.

Дилларига савоб ишларни жо этган инсонлар 1398 та зиёратгоҳ ва қабристонларни обод қилишда фаол қатнашдилар.

**И.ХОЖИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

* * *

Умумхалқ хайрия ҳашарида Жиззах вилояти шаҳар ва туманларидан 724680 киши фаол иштирок этиб, 586 гектар майдон, шу жумладан, 245 та зиёратгоҳ ободонлаштирилди, 497 километр ариқ-зовурлар тозаланиб, минг-минглаб мевали, манзарали ҳамда гул кўчатлари ўтказилди.

Ҳашар йўли билан 21269 квадрат метр турар-жойлар таъмирланди. 7961 минг сўмлик маблағ «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими ҳисоб рақамига ўтказилди. Бу маблағ «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурини амалга ошириш йўлида сарфланади.

**А.АЗИМОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

* * *

Умумхалқ ҳашари Сурхон воҳасида ҳам кўтаринки руҳда ўтказилди. Вилоят аҳли ҳашар баҳонасида кенг кўламли ободонлаштириш ишларини амалга оширдилар. Маҳалла гузарлари, йўллар ёқасига манзарали ва мевали дарахт кўчатлари, турли-туман анвойи гуллар экилди. Қўли очиқ, саховатли тадбиркор ва фермерлар томонидан ўн минглаб кам таъминланган оилалар, ногирон ва кўнгли ўксик инсонлар ҳолидан хабар олиниб, Наврўз совға-саломлари тарқатилди.

— Умумхалқ ҳашари кунлари маҳалламизнинг 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган 2400 нафардан ортиқ фуқаролари ободонлаштириш ишларида қатнашди, — дейди Қумқўрғондаги «Мустақиллик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Жовли Жўрақобилов.

(Давоми 3-бетда)

### ✓ Халқаро алоқалар



## МИСР ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАШРИФИ

***Миср Араб Республикаси Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши Президентининг ўринбосари Али Амир Исмаил Исса бошчилигидаги делегация Ўзбекистон касаба уюшмалари фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида юртимизга ташриф буюрди.***

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида бўлиб ўтган учрашувда Миср делегацияси аъзолари Федерация фаолияти билан яқиндан танишдилар ва олиб борилаётган ишлар юзасидан фикр алмашдилар. Сўнг меҳмонлар Федерация кенгаши ўқув марказида бўлиб, бу ерда касаба уюшмалари ходимларининг доимий малака ошириб боришлари учун амалга оширилаётган ишлар билан танишдилар. Шунингдек, Миср делегацияси аъзолари Учтепа туманидаги 8-оилавий поликлиникага ташриф буюриб, бу ерда хизмат қилаётган тиббиёт ходимларининг фаолиятига юқори баҳо бердилар.

Ташрифнинг эртаси куни мисрлик меҳмонлар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши даволаш-профилактика маркази ҳамда «Турон» санаторийсида бўлишди. Тиббиёт ходимларининг самарали фаолият юритишлари учун яратилган шароит ҳамда беморларга малакали тиббий хизмат кўрсатишда қўл келувчи замонавий ускуналар Миср делегацияси вакилларида чуқур таассурот қолдирди. Шу куни мамлакатимиз пойтахти — Тошкент шаҳрида сўнгги йилларда юз бераётган ўзгаришлар билан таништириш мақсадида шаҳар бўйлаб экскурсия ташкил этилди. Меҳмонлар байрам арафасида янада чирой очган Мустақиллик майдонидаги Эзгулик аркаси, Темурийлар тарихи Давлат музейи ва бошқа бир қатор диққатга сазовор жойларни томоша қилдилар.

(Давоми 3-бетда)

### ✓ Сўз — касаба уюшма фаолларига

***Эзгуликни инсоннинг маънавий оламидаги қуёшга ўхшатишади. Бу бежизга эмас, албатта. Негаки, қуёш ўз ёғдуси — тафтини таратар экан, яхши-ёмонни, катта-кичикни, паст-баландликни саралаб ўтирмайди. Мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига кўрсатилаётган беминнат ғамхўрликлар ана шундай мисли кўрилмаган саховат ва инсонпарварликлар намунасидир.***

## ОДАМИЙЛИК ЎЛМАСИН

Деярли ҳар куни қонуний ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш ёки маънавий ва моддий ёрдам сўраб келишади. Гоҳида бир оғиз ширин сўзимиз, фойдали маслаҳатимиз фуқаролар жонига оро кирганидан бошимиз осмонга етади. Негаки, одамлар учун энг эътиборлиси, энг кераги меҳр бўлиб қолавераркан.

Агар жамоа шартномаларининг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Давлат дастури тадбирларини сарҳисоб қилиб кўрадиган бўлсак, вилоят касаба уюшмалари ташкилотларида ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган ислоҳотлар халқчиллиги ҳамда ҳозиржавоблигини таъминлаш борасида бир қатор ижобий натижаларга эришилганига гувоҳ бўламиз. Биргина моддий ёрдам кўрсатиш тизимини олайлик. Ўтган йилнинг октябригача 2552 та кам таъминланган оилага 62642 минг, 677 та кўп болали оилаларга 14364 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Шу билан бир қаторда 945 нафар пенсионерларга 21649,3 минг, 403 нафар ногиронларга 7604,3 минг, 414 нафар фахрийларга 15431 минг, 287 нафар меҳнат фахрийларига 8127,6 минг, ҳамда 279 нафар байналмилалчи жангчиларга 9510,8 минг сўмлик маблағ ажратилди. Моддий ва маънавий қўллаб-қувватланди.

Маълумки, вақтида кўнгилли дам олиш, қулай меҳнат шароити ходимлар саломатлиги учун муҳим аҳамият касб этади. Ушбу мақсадлар учун 1021 та кам таъминланган оилаларга 185449,3 минг, 121 та ёш оилаларга 18925,7 минг ва 117 нафар ногиронларга 94029,9 минг сўмлик моддий ёрдам уюштирилди. Бу эса уларнинг дам олишлари ва соғломлаштирилишини таъминлади.

Ҳадиси шарифда айтилганидек, бировга яхшилик қилган киши ўзига яхшилик қилган бўлади. Аммо, яхшиликдан яхшилик кутиб эмас, яхшилик учун яхшилик қилиш керак. Бундан битмас-туганмас ҳузур топа олиш эса чинакам бахтдир. Шукрлар бўлсинки, бу йил ҳам халқимизга хос қўли очиқлик ва бағрикенглик каби азалий одатларимиз кенг қулоч ёзиб бораётир.

**Саломат ҲАЙДАРОВА,**
**Навоий вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими етакчи мутахассиси**

## САОДАТЛИ ЮРТ МАЛИКАЛАРИ

### касаба уюшмалари ардоғида

***Гўзал баҳор фаслининг ифорли нафаси уфуриб турган кунларда Республикамизнинг ҳар бир гўшасида ўзига хос тараддуд ва кўтаринки руҳ билан турли-туман тадбирлар бўлиб ўтмоқда.***

Самарқанд вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари Бирлашмаси кенгашида ҳам байрамга алоҳида тайёргарлик кўрилиб, турли тадбирлар ўтказилмоқда. Хусусан, барча тармоқ касаба уюшмалари марказий кенгашларининг вилоят вакилликлари тизимидаги корхона, ташкилот ва муассасалар билан ҳамкорликда «Хотин-қизларнинг ҳуқуқлари», «Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида хотин-қизларнинг тутган ўрни» каби мавзуларда семинарлар, «Эъзоздасан, муниса аёл» номли адабий-мусиқий кечалар ташкил этилмоқда.

Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида «Балли, қизлар», «Намунали келин», «Талабалар баҳори» каби туркум йўналишдаги кўрик-танловлар ўтказилиб, ушбу тадбирларда 4700 нафардан зиёд талаба ёшлар иштирок этиши режалаштирилган. Шунингдек, Халқаро хотин-қизлар куни ҳамда Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан 208 нафар кам таъминланган оила, 124 нафар боқувчисини йўқотган ёлғиз аёлларга, 129 нафар меҳнат фахрийлари бўлган онахонларга, 87 нафар ногирон аёлларга, 608 нафар касаба уюшмалари фаолларига жами 7 миллион 793 минг сўмликдан зиёд байрам совғалари топширилди ва моддий ёрдам кўрсатилди.

* * *

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Фарғона вилоят вакиллиги корхона ва ташкилотлар касаба уюшмалари қошидаги хотин-қизлар комиссиялари раислари ва фаоллар учун «Сен азиз ва муқаддассан, аёл» мавзуида семинар-учрашув ва байрам тадбирини ўтказди. Унда 140 нафар ишчи-ходим аёллар иштирок этиб, меҳнат илғорлари ва фахрийларга совғалар топширилди. Тармоқ тизимидаги Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи касаба уюшма қўмитаси томонидан корхонада меҳнат қилаётган аёллар ўртасида «Нефтчилар маликаси» кўрик-танлови ташкил этилди. Танловда заводнинг 12-цехи аёллари ғолиб чиқдилар. Бу каби маданий тадбирлар «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Қўқонспирт» акциядорлик жамияти, «Қўқон суперфосфат» акциядорлик жамиятларида ҳам бўлиб ўтди.

Вилоят Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма кенгаши ташаббуси билан тармоқ тизимида меҳнат қилаётган фаол аёллар учун «Инсонга наф келтириш — олий бахт» мавзуида байрам тадбири ўтказилди. Тадбирда қатнашган аёлларга 820 минг сўмлик эсдалик совғалари топширилди.

Вилоят ҳокимлиги, бошқармалар ва вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари Бирлашмаси кенгаши ҳамда Марғилон телевидениеси ҳамкорлигида байрамга бағишлаб ташкил этилган тадбир «Ҳаёт гули — аёлга таъзим» деб номланди. Унга 300 нафарга яқин аёллар таклиф қилиндилар. Худди шундай тадбир «Дўстлик» мажмуида вилоят хотин-қизлар қўмитаси, соғлиқни сақлаш бошқармаси, «Ҳамширалар ассоциацияси», «Қизил ярим ой» жамияти ҳамда соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши ҳамкорлигида ҳам ўтказилди.

* * *

Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшмалари ташкилотлари Бирлашмаси ва унга аъзо ташкилотлар томонидан ишловчи хотин-қизлар билан учрашув ташкил этилиб, давра суҳбати ўтказилди ва аёлларга байрам совғалари топширилди. Қорақалпоғистон Республикаси таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси кенгаши ташаббуси билан ташкил этилиб, «Соғлом оила — соғлом бола» шиори остида ўтказилган аёллар тармоқ спартакиадаси ҳам мазкур айёмга бағишланди. Спортнинг шахмат-шашка, стол тенниси ва стритбол турлари бўйича ўтказилган ушбу тадбирда туман ва шаҳарлардан 80 нафардан зиёд хотин-қизлар иштирок этдилар.

Шунингдек, байрам муносабати билан касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган 106 нафар кам таъминланган, кўп болали хотин-қизга катта байрам тадбири ташкил этилиб, қимматбаҳо совғалар топширилди.

Енгил, мебел саноати ва коммунал маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича вакиллиги тизимидаги корхона ва ташкилотлар ҳисобидан ишловчи кам таъминланган ва кўп болали хотин-қизларга 340 минг сўмлик, нафақадаги онахонларга 160 минг сўмлик совға-саломлар топширилди ва байрам дастури ташкил этилди.

**Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,**
**ЎзКУФК матбуот котиби**

### ✓ Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида гапирилган эди

***«Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» темир йўли фойдаланишга топширилса, мамлакатимиз жанубида ҳаёт тарзи кескин ўзгариши билан бир қаторда, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон давлатларига йўл очилади ва Ҳинд океанига чиқиш имкони туғилади. Бир сўз билан айтганда, бу йўл Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришда ҳам қўл келади. Шунингдек, Бойсун, Ҳисор, Кўҳитанг тоғлари қазилма бойликларидан самарали фойдаланиш, янги иш ўринлари яратиш имкониятлари пайдо бўлади.***

## ХОНЖИЗАНИНГ ЯНГИ ҲАЁТИ

Келгусида Сурхон воҳасининг Оқтов, Какайди, Қарсакли, Амударё, Қуштар ва Жайронхона газ ва нефт конлари ишга тушади. Ҳозирча фақат Қўштардаги кондан фойдаланиш режалаштирилган.

Мазкур темир йўл Хонжизадан атиги 40 километр наридан ўтмоқда. Шу боис Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати томонидан мамлакатимиздаги энг йирик ярим металл рудаларнинг кони ҳисобланмиш Хонжизада катта ҳажмдаги ишлар бошлаб юборилди. Ҳадемай бу ердан қимматбаҳо рух ва мис рудалари қазиб чиқарилиб қайта ишланади. Маълумки, анча йиллар олдин вулқоноген сульфидларнинг металлоген ҳудуди ҳисобланган бу жойда жаҳондаги энг катта заҳиралар мавжудлиги аниқланганди.

Ҳисор тоғининг рангли металларини фақат Олмалиқ тоғ металлургия комбинати қайта ишлайди. Комбинат бу йил Хонжиза конлари ҳисобидан 71,2 миллион доллар миқдоридаги металл рудаларга ишлов беришни бошлайди. Тахминан 3-4 йилдан сўнг корхона Сурхондарё шимолида қайта ишлаш комбинатини барпо этади ва ушбу Олмалиқ заводига рух, қўрғошин ва мис қўшилмаларини қайта ишлаб бойитиш учун жўнатиб туради. Бу ишларни бажаришда ҳеч қандай хориж инвесторлари жалб қилинмайди.

Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати Хонжиза ер ости бойликларини қазиб олиб, қайта ишлашга пухта тайёргарлик кўрди. Шунингдек, Германия ва Японияда ишлаб чиқарилган тоғ-кон техникалари, экскаваторлар, темир йўлда юрувчи кўчма таркиблар ҳам тайёрлаб қўйилди.

Масаланинг эътиборли жиҳати шуки, лойиҳанинг дастлабки техник-иқтисодий ҳисоб-китоби бўйича Хонжизадаги заҳиралар 1,5 миллион тонна рух, 700 минг тонна қўрғошин, 180 минг тонна мис ва 2,3 минг тонна кумуш миқдорига тенгдир. Хонжиза конларини ва бу ерда қуриладиган аралашма-қуйилмаларни ишлаб чиқариш заводини ишга туширишучун 160 миллион АҚШ доллари сарфланиши кўзда тутилган. Натижада 4500 кишилик янги иш ўрни очилади. Корхонада йилига 3000 миллиард сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Бу 45 минг тонна рух, 20 минг тонна қўрғошин, 6 минг тонна мис, 40 тоннадан ортиқ кумуш деганидир.

Бир сўз билан айтганда, ҳадемай кўмиру рангли металл руда, нефт-газу минерал бўёқлар ҳамда енгил керамзитга бой битмас-туганмас ер ости, ер усти бойликларини бағрига босиб ётган Бойсун ва Ҳисор тоғ тизмалари ҳамда Хонжиза қаърида соҳибини кутиб ётган бойликлар инсон манфаатлар йўлида хизмат қила бошлайди.

**Рустам ДАВЛАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

***Касаба уюшмаларининг етакчилари ҳар битта одам билан алоҳида ишлай бошлаган ердагина ташкилотнинг қудрати кўзга ташланиб, аъзолари унга интила бошлайди. Чунки ҳар бир меҳнат кишисининг қувончи ҳам, ташвиши ҳам алоҳидадир. Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмалари Сирдарё вилоят кенгашининг Гулистон туман вакиллиги кейинги йилларда айни шу ҳолатни кўзда тутиб иш юритишга уринмоқда. Бу ҳол вакиллик томонидан таълим ходимлари, ўқувчилар, уларнинг ота-оналари маънавиятини ошириш ва уларни ижтимоий ҳимоялаш борасида амалга ошираётган бир қатор ташкилий тадбирларда намоён бўлмоқда. Ўтказилаётган бундай тадбирлар, айниқса, ижтимоий ҳимоя йилида айрича маъно касб этади.***



# БИР КИТОБ АТРОФИДАГИ ГУРУНГ

2007 йилнинг 24 февралида Гулистон тумани маркази Деҳқонобод қўрғонидаги 1-ўрта мактабда туман мактаблари бошланғич касаба уюшма қўмиталарининг раислари, барча она тили ва адабиёт ўқитувчилари, мактаб директорлари иштирокида ўтказилган катта маънавий-маърифий тадбир кўпчиликда ғоят яхши таассурот қолдирди.

Тумандаги энг тўнғич мактабнинг дид билан таъмирланган, атрофидаги боғу боғчаси яхшилаб тарашланган маҳобатли биноси олдига тўпланган ўқувчилар, ота-оналар, ташкилотчилар Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, шоирлар: Азим Суюн, Абусаид Кўчимов, профессорлар: Пирмат Шермуҳаммедов, Қозоқбой Йўлдошев, доцент Адҳамбек Алимбековларни карнай-сурнай садолари остида кутиб олишди. Ғоят самимийлик билан ўтган қисқа мулоқотдан сўнг 1-мактаб директори Фарида Эшмаматова меҳмонларни мактабнинг «Илк қадам» боғи томон бошлади. Меҳмонлар ўқувчилар кўмагида мевали оғоч ва турли гул кўчатларини экишди. Ўқувчилар бу кўчатларни алоҳида эътибор билан авайлаб кўкартиришга ваъда беришди. Директор опа Тошкентдан келган меҳмонларни қутлаб, уларни мактабда олиб борилаётган ўқув-тарбиявий ишлар билан қисқача таништирди. Сўнг асосий тадбир бошланди. Қизиғи шундаки, бу тадбирнинг қаҳрамони китоб эди.

«Меҳнат кишисининг кўнглини ўстирмай, маънавиятини бойитмай туриб, мавқеини кўтариб бўлмайди, — деди тадбир ташкилотчиси, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмалари Сирдарё вилоят кенгашининг Гулистон туман вакиллиги вакили Ёқубжон Мадаминов. — Президентимиз томонидан 2007 йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб аталиши биз касабачилар зиммасига ҳар бир меҳнаткашни яқиндан билиш, унинг юрагига йўл топиш вазифасини қўяди. Юракларга олиб борадиган йўл фақат кўнгил орқали ўтади. Самимий кўнгил эса яхши китоблар воситасида шакллантирилади. Бугун бизни бир жойга тўплаб, замондошларимизнинг руҳиятидаги ўзгачаликлар, истиқлол адабиётининг тараққиёт йўналишлари ва улар воситасида ёш авлодни тарбиялашнинг янгича йўллари ҳақида ўтказиладиган гурунгимизга сабаб бўлган «Ёниқ сўз» китоби бир вақтлар туманимиздаги айни мана шу 1 - ўрта мактабда ишлаган юртдошимиз Қозоқбой Йўлдошев томонидан ёзилган. Қўмитамиз тумандаги энг илғор тил ва адабиёт ўқитувчиларининг бир гуруҳини «Ёниқ сўз» китоби билан тақдирлаган. Бу китобнинг миллий маънавиятимиз ва адабиётшуносликдаги ўрни ҳақида суҳбатлашиш учун, кўриб турганингиздек, Тошкентдан бир гуруҳ ижодкор ва олимларни таклиф қилганмиз».

Шундан сўнг минбарга Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Амир Темур халқаро жамғармаси раиси Муҳаммад Али кўтарилди. У туман халқ таълими ходимлари ва ўқувчиларини бугунги тадбир билан қутлагач, миллатнинг тараққиётида китоб тутган алоҳида ўринга тўхталди. Кўп китоб ўқиган миллат маънавиятли бўлишини, маънавиятли миллатгина тараққиётга қобил эканини таъкидлади. «Сизнинг юртдошингиз томонидан яратилган «Ёниқ сўз» китобида бугунги ўзбек адабиётига хос хусусиятлар кўрсатилган, бу адабиёт намуналарини қандай ўқиб тушуниш кераклиги белгилаб берилган. Унда ўз халқини, миллий адабиётини чин юракдан севган ва бутун кучини шу адабиётни тарғиб этишга бағишлаган олимнинг маънавий дунёси ва ақлий имконияти акс этган», — деди машҳур адиб. Муҳаммад Али йиғилганлар эътиборини китоб муаллифининг бадиий асарларга ёндашиш борасидаги ўзига хослиги кўринган ўринларга қаратди.

Ундан кейин сўз олган таниқли шоир, «Гулистон» журналининг бош муҳаррири Азим Суюн истиқлол даври адабиётининг белгиларини кўрсатиш, унинг хусусиятларини соғлом ақл ва янгича қарашларга таяниб илмий асослаш Қ.Йўлдошев учун осон кечмаганлиги ҳақида китобдаги айрим мақолаларнинг ёзилиш тарихига таянган ҳолда гапириб берди. «Истиқлол адабиёти деган тушунчани, — деди Азим Суюн, — адабиётшунослар орасида биринчи бўлиб қўллаган киши сизларнинг туманингиздан чиққан Қозоқбой Йўлдош бўлади. Мен «Ўзбекистон овози» газетасида ишлаб юрган 1995 йилда унинг салкам бир саҳифалик «Истиқлол адабиёти» номли мақоласи газетамизда чиққан ва у катта шов-шувга сабаб бўлган эди. Унгача бу атамани ҳеч ким ишлатмаган эди. Қозоқбой Йўлдош бадиий сўзни нозик тушунади, ижодкорга ҳурмат билан муносабатда бўлади. Шунинг учун ҳам унинг битганлари илм ва ижод аҳлининг эҳтиромига сазовор бўлади».

«Сиз адабиётчилар Франц Кафканинг қандай ёзувчи эканлигини эшитгансиз, — деди филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Пирмат Шермуҳаммедов ўз сўзида. — У инсоният бадиий тафаккурида инқилоб ясаган, бадиий асарни ўзгача ёзиш ва ундан тамомила бўлакча таъсирланиш мумкинлигини кўрсатган ижодкор. Унинг асарлари ўта мураккаб ва тушунарсизлиги билан ажралиб туради. Мен «Ёниқ сўз» китобидаги Кафканинг ижоди тадқиқ этилган мақолани ўқиб, ўзим учун бу адибни ҳам, Қозоқбой Йўлдошни ҳам кашф этдим. Мен бир мутахассис сифатида рус ва чет эллик олимларнинг Кафка ижодига бағишланган бир қатор асарлари билан таниш эдим. Аммо ўзимизнинг олимимиз Франс Кафкани улардан ўтказиб тадқиқ қилганини кўриб, рости гап, фахрланиб кетдим. Халқимиз бекорга: «Олдингда оққан сувнинг қадри йўқ», — демас экан. Биз ўзимизда шундай йирик адабиётшунос олим борлигидан ифтихор қилишимиз керак.

Ўзбекистон Миллий университети доценти Адҳамбек Алимбеков ўз сўзида «Ёниқ сўз» китоби бугунги ўзбек адабиётида рўй бераётган жараёнларга доир қонуниятларни аниқлаганлиги билан аҳамиятга эгалигини таъкидлади. Олим китобдаги мақолаларда бадиий асарга ёндашув тарзи тамомила янгича эканлиги билан ажралиб туришини, уларда замонавий бадиий асарлар инсоннинг ғоят мураккаб, бетакрор, тушуниш мушкул ва чигал руҳий дунёсини инкишоф этишга йўналтирилгани, бу ҳол миллий адабиётнинг моҳиятини тамомила ўзгартириб юборганлиги қайд этилганлигига тўхталди. «Қозоқбой Йўлдош ўзига хос ифода тарзига эга олим, — деди у. — Унинг ёзганларида унутилган туркий сўзлар кўп қўлланганини кўриш мумкин. Олим «билгич», «ўқирман», «битик», «ўйчил» каби тоза ўзбеки сўзларни ишлатишни хуш кўради».

«Мен Қозоқбой Йўлдошнинг «Ёниқ сўз» китобини худди бадиий асарни ўқигандай ўқидим ва таъсирландим. Мураккаб ва салмоқли илмий фикрларни ҳам тушунарли ифодалаш мумкинлигини илк бор шу китобда кўриб турибман. «Ёниқ сўз»ни ўқигач, Қозоқбой аканинг олимгина эмас, туппа-тузук ёзувчи ҳам эканини билдим. У киши яхшигина бадиий асар ёзишлари мумкин экан. Чунки китобдаги мақолалардан одам руҳиятини яхши билиши ва сўзни топиб ишлатиши кўриниб турибди», — деди таниқли шоир, «Хабар» газетасининг бош муҳаррири Абусаид Кўчимов.

Учрашувда сўзга чиққан шоирлар ўз ижод намуналаридан ўқиб беришди ва мактаб кутубхонасига турли йилларда чоп этилган асарларидан нусхалар тортиқ қилишди.

Гурунгда «Гулистон ҳаёти» газетасининг бош муҳаррири Носир Шокиров ҳам сўзга чиқиб, Тошкентдан келган ижодкорларга миннатдорчилик билдириб, туман аҳолиси маънавиятини шакллантиришда касаба уюшма ходимлари олиб бораётган ишларга тўхталди.



5-ўрта мактаб ўқитувчиси, янги технологиялар бўйича халқаро грант эгаси Маҳфуза Тўйчиева ўз сўзида ёш авлодда эзгу инсоний сифатларни таркиб топтиришда Қ. Йўлдошев иштирокида яратилган «Адабиёт» дарсликлари жуда қўл келаётганлигини айтиб, «Ёниқ сўз» китоби энг сўнгги адабий ҳодисалар юзасидан фикрга келишда ёрдам беришига умид билдирди.

Учрашув сўнгида «Ёниқ сўз» китобининг муаллифи Қозоқбой Йўлдош сўзга чиқиб, тадбир ташкилотчиларига қизғин миннатдорчилик билдирди. «Қўлингиздаги китоб фақат менинг меҳнатим маҳсули эмас, балки сиз гулистонликларники ҳам, — деди у. — Агар мен ёнимда сизларнинг елкангизни ҳис этиб, хайриҳоҳликларингизни туйиб турмаганимда бу китоб дунёга келмасди. Шунинг учун ҳам бугунги тадбир бир менинг эмас, сизнинг ҳам асарингизга бағишланган дейиш мумкин».

Учрашувда қизғин фикр алмашув, фойдали савол-жавоблар бўлди.

**Баҳринисо НОРЖИГИТОВА,**
**Анорбой НОРҚУЛОВ**

---

**Касаба уюшма тадбири**

# «СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ ФАРЗАНД»

## шиори остида ўтган нафосат байрами



Андижон вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳамда вилоят хотин-қизлар қўмитаси аёллар ўртасида тармоқлараро «Соғлом она — соғлом фарзанд» вилоят спартакиадасини ўтказди. Андижон Олимпия заҳиралари коллежи манежида ўтган мусобақаларда тармоқ касаба уюшмаларида ишлаётган хотин-қизлар ўзаро беллашдилар.



Спартакиаданинг асосий мақсади аёллар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни кенг оммалаштириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ҳамда «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни бажаришдан иборат.

— Ушбу мусобақаларда ғолибларни аниқлаш асосий вазифа эмас, балки унда қатнашишнинг ўзи ғолибликдир — дейди вилоят жисмоний тарбия ва спорт жамияти раиси Шавкат Авазбадалов. — Юртимизда аёллар спортини ривожлантириш ва оммавийликни оширишга алоҳида эътибор берилаётгани қувончли ҳол. Спартакиада қатнашчиларининг аксарияти оилали, бола парвариши билан банд аёллар. Уларнинг рўзғор юмушларидан ортиб бундай мусобақаларда қатнашишининг ўзи фарзандлари учун фойдали, албатта. Спорт билан ошно тутинган онанинг фарзанди шак-шубҳасиз соғлом ва бақувват бўлади.

Спортнинг енгил атлетика, волейбол, стол тенниси, шахмат ва шашка турлари бўйича ўтган беллашувларда самимийлик, дўстона кайфият яққол сезилиб туради. Айниқса, оммавий спорт турларидан саналмиш волейбол баҳслари ғоят қизғин курашлар остида ўтди. Олимпия тизимида ўтган мусобақа финалида Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси ҳамда Давлат муассасалари ва жамоат ташкилотлари касаба уюшмаси жамоалари ўзаро рўбарў келди. Унда «таълимчилар» жамоаси ғалаба қозонди.

Мусобақаларни кузатаётган қатнашчилардан бири, вилоят электр тармоқлари корхонаси муҳандиси Ўғилой Зиёева спартакиада баҳслари ҳақида шундай деди: — Бу йил волейбол баҳсларида илк марта иштирок этдим. Гарчи, биринчи ўйиндаёқ ютқазиб қўйган бўлсакда, бундан хафа эмасман. 12 йилдан буён ушбу корхонада ишлаб келаман. Спорт баҳсларида илк марта қатнашиб, катта таассуротлар олдим. Энди спорт билан доимо шуғулланиб боришга аҳд қилдим. Бизга байрам мусобақаси уюштирган ташкилотчилардан миннатдорман.

Спортнинг бошқа турлари бўйича ҳам мусобақа ғолиблари аниқланди. Стол тенниси бўйича Нилуфар Солиева, Мастура Жалилова, енгил атлетика баҳсларида Манзура Болтаева ҳамда Ирина Морозлар биринчи бўлди. Шахмат баҳсларида О.Каримова ҳамда Маҳкамовлар ўз ёшларида тенгсиз эканликларини исботлади. Шашка ўйинларида избосканлик «таълимчилар» К.Мирзаева ва М.Раҳимовалар зафар қучди. Умумжамоа ҳисобида таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши вакиллари биринчи, Агросаноат мажмуи ходимлари ва Давлат муассасалари ва жамоат ташкилотлари касаба уюшмаси вакиллари кейинги ўринларни эгаллади.

Ғолиб ва совриндорлар вилоят касаба уюшма кенгаши томонидан муносиб тақдирланди.

**Абдулҳай ЮНУСОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

---

## МУДДАТ ВА МАНЗИЛ АНИҚ

**Бутун омманинг эътиборида турган профессионал бокс бўйича WBA (Бутунжаҳон бокс Ассоциацияси) йўналишида ўта оғир вазн тоифасида чемпионлик камари соҳиби Николай Валуев ва чемпионлик камарига асосий даъвогар ўзбекистонлик Руслан Чагаевлар жанги ўтадиган жой ҳам маълум бўлди.**

**«Sauerland eventis» промоутерлик компаниясининг маълум қилишича, чемпионлик камари учун жанг 14 апрел куни Германиянинг Штутгарт шаҳридаги «Порше—Арена» спорт мажмуасида бўлиб ўтади.**

**Ҳар иккала боксчи ҳам мазкур янгиликка муносабат билдириб, жангга пухта ҳозирлик кўришаётганини таъкидлашган.**

Настил рубероидов и ламинатов, ковроланов с материалами.
Ф/о любая.
**Тел: 340 99 37.**

---

**Биз ҳам бир ёндан**

# ЖАМҒАРМА СОВРИНИ УЧУН

***Мамлакатимизда аҳолини оммавий равишда спортга жалб қилиш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш учун қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.***

Яқинда пойтахтимиздаги «Югнакий» болалар спорт мажмуасида Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси соврини учун 8 март Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан мактабгача таълим муассасалари ходимлари ўртасида мусобақа бўлиб ўтди.

Дастлаб туманларда, сўнгра вилоят миқёсида сараланган иштирокчилар (ҳар бир вилоятдан 9 нафар, уч нафар мудира, уч нафар услубчи ва уч нафар тарбиячи) волейбол, стол тенниси ва енгил атлетика (эстафета) турлари бўйича беллашдилар.

**Соҳиба Жаҳонова, Фарғона шаҳар 51-МТМ мудираси:**

— Мазкур мусобақа хотин-қизлар ўртасида спортни кенг тарғиб қилишда ўзига хос ҳисса бўлиб қўшилди. Ўзим волейболга қизиқаман. Кези келганда айтишим лозимки, Фарғона шаҳар Халқ таълими бўлими раҳбарияти спортсевар аёлларнинг шуғулланишлари учун кенг шароит яратиб берган. «Олимпия заҳиралари» спорт мажмуаси эшиклари ҳамиша очиқ.

**— Ўзингиз раҳбарлик қилаётган болалар боғчасида спорт машғулотлари учун қандай имкониятлар бор?**

— Тарбияланувчиларимиз сузиш, югуриш, баскетбол ва сакраш турлари билан шуғулланадилар. Қишин-ёзин сузиш ҳавзасидан фойдаланишади ва бунинг натижасида улар деярли касал бўлишмайди...

**— Оилангизда ҳам спортга қизиқувчилар борми?**

— Турмуш ўртоғим ҳамкасблари билан футбол ўйнайди. Икки нафар ўғлимиз бор. Бири футболга, иккинчиси каратэга боради.

**Наргиза Насриддинова, Зафаробод туманидаги «Ниҳол» номли МТМ мудираси:**

— Мен стол тенниси мусобақаларида қатнашяпман. Спортга қизиқишим талабалик йилларида бошланган. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги қарори билан мактабгача таълим муассасалари ходимларининг спорт мусобақаларига асос солинганини эшитиб, жуда хурсанд бўлдим. Чунки икки йилдан буён қўлимга ракетка олмаган эдим. Яна спорт билан биргаман.

**— Ходимларингиз ҳам спорт билан шуғулланишадими?**

— Боғчамиздаги тарбиячиларни спортга жалб этиш борасида маҳалла қўмитаси билан келишган ҳолда оилалар ўртасида мусобақа ташкил этамиз. Шунингдек, яқинда боғчамизга стол тенниси столи ўрнатиш режаси ҳам бор.

Мусобақа жуда қизиқарли ўтди. Барча иштирокчиларнинг спортга муносабатлари жиддий эканлиги яққол сезилди, маҳоратларини намойиш этишга астойдил ҳаракат қилишди.

Якунда умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри вакиллари биринчи, Самарқанд вилояти иккинчи, бир хил очко жамғарган Тошкент ва Фарғона вилоят терма жамоалари учинчи ўринни олишди. Ғолиб ва совриндорларга дипломлар ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

**Акмал АБДИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

---

# Чинор

## Ҳикоя

Шаҳарни қишлоқ билан улайдиган катта йўл ёқасида «Кўктерак» бозори жойлашган бўлиб, дам олиш кунлари уни арининг инидан ажратиш қийин эди. Ер тафтига тухум пиширса бўладиган пайтлар одамлар ўзларини бозордан юз қадамча наридаги чинор тагига урардилар. Шунда сарпойчан болалар чинни косаларда муздек сув тутишар, улар эса соя-салқин ва яхдай сувдан роҳатланиб, дарахт экканни қайта-қайта алқашарди. Чинор атрофи қишлоқдан шаҳарга, пойтахтдан эса бозорга қатновчиларнинг ягона оромгоҳи эди. Агар мана шу азим, мағрур ва салобатли дарахтнинг тили бўлганда эди, юз йилдан ортиқ тарихни, уни эккан Ҳикмат бобо эса ўзига ундан ҳам баландроқ ҳайкал ўрнатиб кетганини сўзлаб берган бўларди.

Саиджон қишлоқ хўжалик коллежини бир амаллаб битирди. Дипломи чўнтагида-ю, лекин бесаранжом. Бирон жойда илдиз отиб, палак ёзиб ишлай деса — ҳафсала йўқ. Ишламай деса нафс деган бало бор, осмондан эса чалпак ёғилмайди. Хўш, нима қилсин, дарёни тескари оқизолмаса, қаловини топиб қорни ёндиролмаса. Ниҳоят, йўлини топгандай бўлди. Кўча эшиги олдидаги чинор нимага керак ўзи?! Унинг соясида ҳатто ўт эксанг ҳам кўкармайди. Шу дарахтни йиқитади-ю, ўрнига минглаб гул кўчати экади. Бу дунёда нима кўп — гулнинг ишқибози кўп. Агар хотин-қизлар байрамига бозорга чиқаролсанг, жарақ-жарақ пулнинг тагида қолиб кетасан.

У битта қурутни тўртга бўлашиб, пиво хўплашадиган улфатларини ҳашарга айтиб келди.

Тоғдек сервиқор чинорнинг қадди букилди. Унинг азамат шохларига болта урилганда гўё Ҳикмат бобо қайта жон таслим қилаётгандай, инграган овози эшитилгандай бўларди. Лекин «қиттай-қиттай»дан кейин шер бўлиб кетган йигитлар бундай покиза туйғуни сезмас, юраклари эса тошга айланган эди.

— Ўзиям эллик саржин ўтин чиқаров, бу биласизми, қанча пул, арақ дегани, ўҳ-ҳў, — сўлагини оқизиб дерди Аҳмаджон.

— Ихтирочиникидай калланг борда, Саиджон, — ҳозиржавоблик қилди Бўтабой. — Ҳеч кимнинг тушига ҳам кирмаган фикр ўзингдан чиқса-я...

Бу йилги ёз қиздирилган тандирдек жазирама келди. Йўловчилар қўнарга жой тополмай аввалги чинор ўрнида гир-гир айланишарди. Бу ерда энди челак кўтарган сарпойчан болалар чуғурлашмас, офтобдан пешонаси тиришган қарияларнинг гурунги эшитилмасди. Бозорга тушганлар ҳам, ўткинчи йўловчилар ҳам гулзорга янтоқзорга қарагандай қарашди, бултурги файз-тароватни, чинор соясида бир зум эсиб қоладиган оромбахш шабадани қўмсаб, бошларини эгиб ўтиб кетишарди.

Саиджон ўзи яратган «ихтироси»дан одамлар ранжишганини кўриб, танасида қумурсқа ўрмалагандек безовталанарди. Эшиги олдидаги аввалги файзли, дилхушлик ва дилкашликни, чинор экканнинг руҳи-покига бағишлаб дуо-фотиҳа ўқийдиган нуронийлар табассумини кўз олдига келтириб, ярасига туз сепгандай бўларди. Минглаб туп гул кўчатлари якка чинор ўрнини босолмаётганини ўйлаб, ҳаловати қочар, баъзан буваси — Ҳикмат бобо тушига кириб, унга дакки-дашном бергани-берган эди.

Қисқаси, яқинда азим дарахт ўрнига икки туп ниҳол ўтқазди. Ҳозир улар бўй чўзиб қолишган. Бу ниҳолларнинг чинор бўлгунича, балки ўттиз-қирқ қовун пишиғи бордир. Бироқ энг муҳими, Саиджон йўқотган ҳаловатини топганди. Энди у тинч ва осойишта ухларди.

**Уста НАБИ**

---

Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши, Марказий кенгашнинг Тошкент вилояти бўйича вакиллиги жамоалари ҳамда вилоят бошланғич касаба уюшма қўмиталари раислари, Марказий кенгашнинг вилоят вакили Ирода Ражабовага падари бузруквори

**СОЛИЖОН ота**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади

---

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгаши меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассис А.Азизовга отаси

**Ғайрат АЗИЗОВ**нинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

---

НИСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — O.K.U.F. — F.T.U.U. — ОЛИЙ БАХТ

**БОШ МУҲАРРИР**
Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

**Таҳрир ҳайъати:**
Алла Долженкова,
Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари),
Маъмура Адилова,
Мирзоҳид Содиқов,
Носирхон Акбаров,
Ойсулув Нафасова,
Пиримқул Қодиров,
Соғиндиқ Ниетуллаев,
Шамси Эсонбоев,
Элёр Ёқубов,
Ғуломзокир Юсупов

**Бизга қўнғироқ қилинг:**
**Котибият**
153-52-78
**Бўлимлар**
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими: 153-87-63
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими: 153-87-73
Ижтимоий-иқтисодий сиёсат бўлими: 153-87-74
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт бўлими: 153-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш бўлими: 153-85-43
Реклама ва эълонлар бўлими: 153-03-90

**БИЗНИНГ МАНЗИЛ:**
700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134
E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Навбатчи котиб - А.Алламуродов
Навбатчи муҳаррир - Ш.Норкулова
Навбатчи - М.Мўминова
Мусаҳҳиҳ - Д.Комолов

Саҳифаловчи-дизайнер: Ю.Михайловский

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди - 20.20

Буюртма Г — 214

Тиражи: 19219

1 2 3 4 5